



Keywords: student personality, independence, need, ability to think independently, systematization of one's activities, planning, ability to manage, independence of will, personal qualities.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тобора муҳим аҳамият касб этаётган ҳозирги шароитда, замонавий жамият техника олий таълим муассасаси битирувчисига алоҳида талаблар қўймоқда, улар орасида фаоллик ва мустақиллик каби фазилатлар муҳим ўрин тутди.

Ривожланиб бораётган ахборот муҳитида фаол мўлжал олишга, ортиб бораётган ахборот оқими таъсирида касбий воқеликни ўзгартиришга қодир бўлиш учун мутахассис ўз касбий даражасини доимий равишда такомиллаштириб бориши, касбий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш кўникмаларини ривожлантириши лозим. Бу эса, ўз навбатида, талабада касбий аҳамиятга молик маълумотларни мустақил, фаол излаш кўникмаларини ривожлантириш заруратини биринчи ўринга қўяди.

Талабада янги билимларни мустақил эгаллаш ва ахборотни ўзлаштириш қобилиятини ривожлантиришда талабаларнинг мустақил ишлаш қобилияти муҳим ўрин тутди. Шунинг учун шахснинг “мустақиллик” каби сифатини ривожлантириш олий ўқув юртида муваффақиятли ўқиш, касб-хунар эгаллаш ва кейинчалик узлуксиз таълим олишнинг муҳим шarti, гарови бўлади.

Мустақиллик атамаси психологик-педагогик адабиётларда кенг қўлланилади. Унинг таърифини таниқли олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқамиз.

Мустақиллик - бу шахснинг сифати бўлиб, унинг ижтимоий қиммати унинг йўналиши, инсоннинг субъект сифатидаги фаоллик даражаси билан белгиланади (Б.Г.Ананев, В.П.Беспалко); эҳтиёж, мустақил фикрлаш қобилияти, янги саволни, янги муаммони кўриш ва қўйиш, янги вазиятда мўлжал олиш қобилияти (В.В.Давидов); топшириқни индивидуал бажариш, билиш вазифаларини ҳал қилиш қобилияти (И.Я.Лернер); масалани ҳал қилишнинг маълум усулини танлаш ва амалга оширишни таъминловчи шахс хусусияти (А.Н.Леонтев); раҳбарларнинг бевосита раҳбарлигисиз ва амалий ёрдамисиз ўз фаолиятини тизимлаштириш, режалаштириш, бошқариш қобилияти (К.К.Платонов); фикрлаш жараёнларининг маҳсулдорлик шarti, ақлнинг хусусияти (С.А.Смирнов); ақлий фаолиятни тавсифловчи иродавий ҳаракат, шахснинг фаоллик белгиси, унинг билиш изланиш қобилияти (Г.И.Шукина).

Таниқли психолог С.Л. Рубинштейн таъкидлашича, ҳақиқий мустақиллик ўз негизида ҳаракатларнинг онгли мотивациясини ўз ичига олади ва унинг асосий хусусияти шундаки, бу ҳаракатлар “ўзгалар таъсири ва таъсирига берилмайди” - ва бу, олимнинг фикрича, ўзбошимчалик эмас, балки ирода мустақиллигининг ҳақиқий кўриниши сифатида намоён бўлади. Дарҳақиқат “инсоннинг ўзи бошқача эмас, балки шундай ҳаракат қилиш учун объектив асосларни кўради” [1].





Замонавий тадқиқотчи Т.И.Шамованинг фикрича, мустақиллик шахснинг етакчи фазилатларидан бири бўлиб, у “қизиқишларнинг йўналиши ва барқарорлигида..., ўқув-билиш мақсадига эришиш учун иродавий саъй-ҳаракатларни сафарбар этишда намоён бўлади” [2].

А.Е.Богоявленская талабаларнинг “билиш мустақиллиги” ҳақидаги тадқиқотларида таъкидлашича, бу тушунчага “илмий ва ижтимоий-сиёсий маълумотлардан мустақил фойдаланиш, уларни амалиётда қўллаш қобилияти, ўзининг ва бошқаларнинг ҳаракатларини танқидий мушоҳада қилиш қобилияти, фактларни тўғри баҳолаш, моҳирона умумлаштириш ва тегишли хулосалар чиқариш ҳамда қарорлар қабул қилиш” киради [3].

Турли тадқиқотчи олимларнинг таърифларидан кўришимиз мумкинки, мустақиллик шахснинг етакчи сифатларидан бири сифатида ҳам, иродавий ҳаракат сифатида ҳам, “ирода мустақиллиги” сифатида ҳам, барча иродавий кучларни сафарбар қилиш сифатида ҳам, ўз ҳаракатларини танқидий мушоҳада қилиш қобилияти сифатида ҳам тушунилади.

Бизнинг тадқиқотимизга К.К. Платонов ва Г.Г. Голубевнинг тушунчалари яқинроқ бўлиб, улар мустақилликни педагогик нуқтаи назардан раҳбарнинг бевосита доимий раҳбарлигисиз ва амалий ёрдамисиз ўз фаолиятини тизимлаштириш, режалаштириш ва бошқариш қобилияти сифатида тавсифлайдилар [4].

Илмий-техник ахборотнинг жадал ўсиши, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши шароитида олий мактаб талабаларнинг ижодий қобилиятларини максимал даражада ривожлантириши, улардан тез ўзгарувчан муҳитда яхши йўл топа оладиган, таълим жараёнида юзага келадиган муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган мутахассисларни тайёрлаши керак. Бу эса олий таълим муассасасида ўқитиш мазмуни, шакли ва методларини мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Шу муносабат билан педагогик жараёнда талабаларнинг вазифалари ва функциялари ўзгаради. Л.Ф.Зокированинг фикрича, “инсон таълими шахснинг мустақиллигига таянмаса, янги кашфиётлар ва назарияларга тўлиқ етиб бора олмайди, олий ўқув юрти ва ишлаб чиқариш талабларига жавоб бера олмайди” [5]. Шундай қилиб, олий таълим муассасасидаги педагогик жараённинг асосий вазифаларидан бири талабаларнинг ўқув жараёнида фаол, мақсадли иштирок этишини ва уни мустақил бошқаришини рағбатлантириш ва бунга имкон беришдан иборат.

Бунда талабаларда мустақил, касбий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни фаол излаш, яъни мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш муҳим роль ўйнайди.

Мустақил фаолият, П.И.Пидкасистойнинг фикрича, мустақилликни ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Муаллиф мустақил иш таълимнинг шакли ёки усули эмаслигини, уни таълим олувчиларни мустақил фаолиятга жалб этиш воситаси, уни мантикий ва психологик ташкил этиш воситаси сифатида кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлайди [6]. А.И.





Зимняя, ўз навбатида, мустақил ишни талабанинг юқори даражадаги ўзини ўзи англаш, интизомлилик, масъулиятлилик ва рефлексивлики талаб қиладиган ўқув фаолиятининг энг юқори тури сифатида таърифлаш кераклигини таъкидлайди [7]. Шундай қилиб, биз олий таълим муассасасида ўқув жараёни давомида талабаларнинг мустақил ишларини тўғри ташкил этиш уларнинг мустақиллигини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиши кераклигини тушунамиз.

Мустақилликини ривожлантириш - олий таълим муассасасидаги ўқув фаолияти доирасида амалга ошириладиган доимий узлуксиз жараёндир.

Ўқув фаолияти мақсадга йўналтирилган, мажбурий, ихтиёрий, натижавий бўлади. Унга мустақил ишларни киритиш орқали талабада муайян кўникмаларни ривожлантириш учун шароит яратиш мумкин.

Шундай қилиб, мустақил иш давомида талаба қуйидагиларни бажара олади:

- ўрганилаётган фан бўйича назарий материални ўзлаштириш (алоҳида мавзулар, мавзуларнинг алоҳида саволлари, алоҳида қоидалар ва бошқалар);

- олинган билимларни зарур амалий воситалардан фойдаланган ҳолда мустаҳкамлаш (масалалар ечиш, назорат ишларини бажариш, ўзини ўзи текшириш учун тестлар ва бошқалар);

- олинган билим ва амалий кўникмаларни предметли вазиятларни таҳлил қилиш ва ҳал қилиш жараёнида қўллаш (гуруҳ муҳокамаси, ишбилармонлик ўйини доирасидаги иш, “кейслар” билан ишлаш, аниқ вазиятни ёзма таҳлил қилиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш ва бошқалар);

- олинган билим ва кўникмаларни янги вазиятда қўллаш (битирув, диплом иши, илмий-тадқиқот иши ёзиш).

Педагог-тадқиқотчи З.Л. Шинтарнинг фикрича, таълим олувчининг мустақил ишлаши жараёнида, шунингдек, унинг мустақиллигини ривожлантиришда педагог ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим роль ўйнайди. Талаба яқка тартибда ишлаши мумкин, лекин қийинчиликлар юзага келганда ўқитувчига мурожаат қилиши ва ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўйиши мумкин [8].

Дарҳақиқат, замонавий бўлажак мутахассиснинг мустақиллиги кўрсаткичи унинг шахсий сифатлари бўлиб, улар ўз олдига мақсад қўйиш, фаолиятни мустақил ташкил этиш орқали унга эришиш йўллари ва воситаларини топа олиш қобилиятида намоён бўлади. Мустақилликнинг белгиларидан бири эса талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширадиган билиш фаолиятидир. Ушбу сифат ривожлангани сари педагогик қўллаб-қувватлаш даражаси камайиши, талабаларнинг мустақиллик даражаси эса ортиши мумкин. Мустақил ўқув ишларини режалаштириш, ташкил этиш ва амалга ошириш ўқитувчи йўқлигида ёки унинг назорати остида амалга оширилади. Бу эса энг муҳим таълим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, педагог учун билимларни узатиш эмас, балки талабаларда мустақил ишлаш кўникмаси ва ўрганишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш,





билимларнинг турли манбаларидан фойдаланиш, яъни уларга адекват мақсадларни қўйиш ва уларга эришишни ўргатиш муҳимдир. Шунга ўхшаш нуқтаи назар замонавий олима А.М. Веряскинанинг тадқиқотларида ҳам қайд этилган бўлиб, у талабаларнинг мустақил ишини ташқи ва ички томонларга эга бўлган ўқув мустақил фаолиятини ташкил этиш шакли сифатида тақдим этади:

-талабанинг ўқитувчи иштирокисиз топшириқларни мустақил режалаштириш ва бажариш қобилияти ташқи томон сифатида намоён бўлади;

-талабанинг мотиватсион, эҳтиёж-ҳиссий соҳалари, унинг интеллектуал ва иродавий саъй-ҳаракатлари эса жараённинг ички, муҳим жиҳати ҳисобланади [9]. Албатта, бу позиция, айниқса, мотиватсия ва мустақил таълимга бўлган эҳтиёж борасида инкор этиб бўлмайдиган ҳолатдир. Лекин бунда шуни таъкидлаш зарурки, мустақилликнинг бирламчи асоси мустаҳкам назарий билимлар заҳираси ва интеллектуал кўникмалар арсеналидир.

Талабалар мустақил ишининг ролини кучайтириш олий таълим муассасасида ўқув-тарбия жараёнини ташкилий янгилашни англатади. Бу эса ўқиш қобилиятини ривожлантиришга, талабада ўзини ўзи ривожлантириш қобилиятини шакллантиришга, олинган билимларни ижодий қўллашга ёрдам бериши керак. Бироқ, олий таълим муассасасидаги иш тажрибаси шуни кўрсатадики, мустақил иш, уни режалаштириш, ташкилий шакл ва усуллар, натижаларни кузатиш тизими олий таълим амалиётидаги энг заиф жойлардан биридир. Бу педагогика назариясининг, айниқса, замонавий таълим вазиятига (модуль-рейтинг таълими, педагогик мониторинг тизимини жорий этиш ва бошқалар) нисбатан етарлича тадқиқ этилмаган муаммосидир.

Талабалар томонидан билимларни мустақил тўлдириш, маълум вазифаларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан олий таълим муассасасида ўқув-касбий тайёргарлик контекстида уларнинг мустақил фаолияти жараёни қандай ташкил этилганлиги билан белгиланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ташкил этиш икки томонлама жараёндир. Педагогик маънода ташкил этиш, бир томондан, педагогнинг ўқув вазиятлар ичида ўзига, субъект сифатида мумкин бўлган ўз ҳаракатларига, таҳлил қилишга, тегишли ҳаракатларни режалаштиришга, педагогик фаолиятни назорат қилиш ва тузатишга, мақсадга муваффақиятли эришишга қаратилган ҳаракатлари сифатида тушунилади. Бошқа томондан, ташкил этиш педагогнинг талабага педагогик вазиятнинг, педагогик фаолиятнинг бошқа субъекти сифатида қаратилган ҳаракатларини ўз ичига олади.

Талабанинг мустақил фаолиятини ташкил этиш орқали педагог ўз ҳаракатларини амалга оширади, ташкилий характердаги ўз ҳаракатларида аниқланади. Талаба ҳам ўз навбатида ташкил этиш жараёнига қўшилиб, пировардида ўзининг фаолият йўналишини белгилаб олади.

Талабаларнинг мустақил иш жараёнига раҳбарлик қилиш ўқитувчи томонидан бўлажак (ёки мавжуд) касбда ўзини ўзи такомиллаштиришнинг асосий шarti касбий муҳим сифатларни ривожлантириш, улардан бири “мустақиллик” сифати билан боғлиқ ҳисобланади. Шунингдек, мустақил таълим





олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш эканлигини тушунишни назарда тутди. Бундай сифатни ривожлантиришда ўзига, ўз фаолиятига нисбатан маълум муносабат шаклланади. Айниқса, бўлажак мутахассиснинг шахсий ва касбий жиҳатдан ўзини ўзи такомиллаштириши учун шароит яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии - СПб: Питер, 2000 – 712 с.
2. Шамова Т.И. Условия формирования умственной самостоятельности будущего учителя: автореф. дис. канд. пед. наук. – Л., 2013. – 20 с.
3. Развитие познавательной самостоятельности студентов: монография / А.Е. Богоявленская // Тверской государственный ун-т, 2004. – 152 с.
4. Платонов К.К., Голубев Г.Г. Психология. – М.: Высшая школа, 1977. – 256 с.
5. Закирова, Л.Ф. Стимулирование и развитие самостоятельности, мыслительной деятельности, активности студентов в учебном процессе: Сборник научных статей Казанского государственного университета. -Казань: Казан. гос. ун-т, 2004.- 348 с. С. 112-116.
6. Педагогика: учебник для вузов / под ред. П.И. Пидкасистого. – 2-е изд. перераб. и доп.- М.: Академия, 2014. – 619 с.
7. Зимняя А.И. Педагогическая психология: учебник для вузов / А.И. Зимняя. – 3-е изд., пересмотр. – М.: МПСИ; Воронеж; Модэк, 2010. – 447 с.
8. Шинтарь З.Л. Формирование интеллектуальной самостоятельности младших школьников в учебной деятельности: автореф. дис. канд. пед. наук / З.Л. Шинтарь // Белорусский государственный педагогический ун-т имени Максима Танка. – Минск, 2009. – 21 с.
9. Веряскина А.Н. Организация самостоятельной работы студентов вуза: этапы, принципы, формы // Инновационное развитие науки и образования: сборник статей II Международной научно-практической конференции: в 2 частях / Отв. ред. Г.В. Гуляев, 2018. – С.209-212.

